

МИНТАҚАЛАРДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Narzullaev Nozimjon Sobirjonovich

I.f.n. Dotsent

Namangan davlat universiteti Menejment kafedrası dotsenti

Аннотация. Ушбу мақолада минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм индустриясини роли, унинг ошириш масалаларига эътибор қартилган ҳолда туристик фаолиятдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечими таклиф этилган.

Калим сўзлар: индустрия, туризм, иқтисодий ривожланиш, рекреация, ҳудуд, локомотив, ривожланиш драйверлари, туристик-рекреацион тизимлар, мажмуалар, минтақалар, кластерлар, туристик фаолият.

Туризм индустрияси ривожланган давлатларни иқтисодий ривожланишига кучли таъсир ўтказиб қолмасдан, балки ривожланаётган мамлакатларнинг барқарор ривожланиш даражасига эришиш учун энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу соҳа мамлакатларнинг иқтисодиётини ривожланишини таъминлаб берувчи ва олдинга силжишига таъсир этувчи локомотиви ҳисобланади. Бугунки кунда туризм, рекреация, соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан камроқ сарф-харажатлар орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш орқали аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланиш имкониятини беради.

Шу билан бирга туризм нафақат ривожланган мамлакатлар, балки ривожланаётган ва нисбатан иқтисодиёти қолоқ мамлакатлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳудудларда ўзига хос бўлган тадбиркорлик турларини ривожланишининг асосий драйвери ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, дунё миқёсида ва Ўзбекистон Республикаси

минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда туризм индустрияси ўрни белгилаб олиш, ривожланишининг амалий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича назарий-методогик асосларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш имкониятларини оширишдан иборат. Бундан ташқари туристик-рекреацион тизимлар, мажмуалар, минтақалар, кластерлар фаолиятига оид илмий тадқиқотлар кўпчиликти ташкил этмайди.

Туризм - ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ўзининг мураккаб тизим эканлиги билан ажралиб туради ва мураккаб мажмуаларнинг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликдаги фаолияти тушунилади. Турист – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи жисмоний шахсдир [1]. М.А. Морозов, Н.С. Морозова, Г.А. Карпова, Л.В. Хореваларнинг “Экономика туризма” дарслигида бугунки кунда туризм дунё хўжалигида ва алоҳида мамлакатларнинг иқтисодиётида асосий роль ўйнаб, иқтисодий мажмуаларни ривожланиши, балки иқтисодий ўсишнинг ўзига хос катализаторидир деб таъриф бериб ўтганлар [2]. Н.Н. Егоров, И.А. Морова, Н.Я. Полянская лар ўзларининг “Перспективы развития туристического рынка Республики Саха (Якутия)” монографияларида “Туризм” сўзи лотинчада *tourus* айлана бўйлаб ҳаракат деган маъносини англатади. Туризм тушунчаси 1830 йилда француз В.Жекмо томонидан қўлланилган. *Tour* сўзининг таржимаси саёҳат бошлаган жойга қайтиб келиш маъносини англатади деб таъриф бериб ўтган [3]. Туризм (фр.*tourisme*, *tour* – сайр қилиш, жўнаб кетиш) XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолини саёҳатга чиқиши [4], туризм инсоният жамият тараққиёти даврида вужудга келган. фақат омон қолиш учун ишлашни тўхтатди ва саёҳат маълум бир жойни эгаллаган дам олиш ва у билан боғлиқ завқлар ҳақида ўйлай бошлади. Кейинчалик бу дам олиш тури туризм деб номлана бошлади. Бу ҳам завқ олиш, ҳам қизиқишни қондиришдир. Аммо бу молиявий ресурсларни талаб қилади.

1-расм маълумотларида эса туризм индустриясидаги асосий тўртта

муаммолар тўғрисида маълумотлар тақдим этилган бўлиб, биринчидан, туристик даромадларни тўғри тақсимлаш масаласидаги тўғри ёндашув амалга ошириш зарур; иккинчидан, эса туризм ривожланиши ва ўсишидаги асосий муаммолар сифатида ялпи ички маҳсулот ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини пастлиги, туризм объектларини асосий қисми яширин иқтисодиётда фаолият юритиши; учинчидан туризмни ривожланишини қўллаб-қувватлаш механизмларни таъсирчан эмаслиги, қулай ва оптимал қўллаб-қувватлаш механизмларни жорий этилмаслиги, самарадорлиги юқори туристик ҳудудларда туристик фаолиятни ташкил этмаслик, туризмни ривожлантириш дастурлари ва йўл хариталари тузишда маҳаллий хусусиятлар инобатга олинмаслиги оқибатида туризм индустрияси жадал ривожланиш палласига чиқа олмаяпти; тўртинчидан туризмдаги мавсумийлик муаммосини ҳал этмаслик, туристик ресурслар ва объектлар фаолиятини чегараланганлиги ҳам туризм индустриясини жадал ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.



1-расм. Туризм индустриясини ривожланишидаги тўрт асосий муаммолар

UNWTO халқаро туризм ташкилотини кўрсатмаларига асосан туризм индустриясини туристик фаолиятни синоними сифатида қабул қилинган [5]. У ташкилотнинг кўрсатмасига асосан туристик индустрияни қуйидаги тармоқларга ажратилган:

1-жадвал

Туристик индустриянинг асосий тармоқлари

1-тармоқ	Туристларни жойлаштириш воситалари
2-тармоқ	Умумий овқатланиш
3-тармоқ	Туристларни темир йўл орқали ташиш
4-тармоқ	Туристларни автомобил йўллари орқали ташиш
5-тармоқ	Туристларни сув йўли орқали ташиш
6-тармоқ	Туристларни хаво йўли орқали ташиш
7-тармоқ	Транспорт воситалари ижараси
8-тармоқ	Туристик агентликлар, тур операторлар, туристик фирма ва компаниялар
9-тармоқ	Маданий фаолият, ижодий фаолият, музей, тарихий маданий ёдгорликлар, ботаник ва зоологик қўриқхоналар
10-тармоқ	Спорт ва кўнгилочар фаолият
11-тармоқ	Аниқ бир мамлакатнинг туристик маҳсулотлари акс этган туристик маҳсулотларни чакана савдоси

Туристик индустрияни бундай тармоқларга ажратиб кўрсатиш эса ундаги хизмат кўрсатиш жараёнларини тезлаштириш, аниқликни оширишга хизмат қилади. Бунда туристик маҳсулот ва хизматлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш, туристик маршрутлар, йўналишлар бўйича туристни олдиндан хабардор этиш имкониятларига эга бўлинади. Туристик индустрия ибораси билан бирга туристик тармоқ ибораси ҳам қўлланилади, бу ибора кўпроқ илмий адабиётларда қўлланилади [6]. Тармоқ ибораси кўпроқ иқтисодий моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи соҳаларига нисбатан қўлланилиб, янги маҳсулот, ишлаб чиқариш технологиялари, асосий фондлар, ишчи-ходимларни профессионал қатлами тушунилади. Бизнингча туристик тармоқ иборасидан кўра туристик индустрия ибораси қўллаш барча мижозлар ва туризмга қизиқувчилар учун тушунарли.

Туризм иқтисодиётидаги анъанавий тадқиқотларни асосий йўналишлари иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ҳамда туристик дестинацияларга эътибор қаратилди. Юқоридаги тадқиқотлар йўналишлари билан боғлиқ масалалар билан Фретчлинг, Джонс, Спурра (Frechtling 1999 [7], Jones and Munday 2007 [8]) ва бошқа олимлар шуғулланишган. XX асрнинг охирида кўплаб илмий изланишлар олиб борилди, улар асосан туризмни мультипликатив самарадорлиги, туризмда эконометрик моделлар қўллаш масалалари билан шуғулланишган. Туристик индустрияни келгусидаги фаолиятини прогнозлаштириш, узоқ муддатли туристик сиёсат олиб бориш масалалари билан Арчер, Фречлинг ва бошқа тадқиқотлар шуғулланишган. Иқтисодий изланишлар ичида салмоқли ўрин эгалловчи Менгион, Синклер, Папасеодору Монти, Скидмор тадқиқотлари эса нарх рақобати, туристик маҳсулотлар сифатига бағишланган бўлиб, сифатли маҳсулот ва хизматларни нархи доим юқори бўлишини кўрсатиб туристик хизматлар ва маҳсулотларга қўйиладиган талаб эса сифат биринчи ўринда бўлиши лозим.

Юқоридаги илмий қарашлардан шуни англаш мумкинки, тадқиқот давомида туризм иборасига ва туризм индустриясига таърифлар шакллантирилган бўлиб, хорижий олимлар қарашлари кўриб чиқилган. Ҳамда туризм индустриясидаги асосий муаммолар гурухлаштириб, тўртта йирик гурухларга ажратиш таклиф этилган ва туризм индустриясини эса ўн битта йирик тармоқларини алоҳида ажратиб кетма-кетликдаги тартиби ишлаб чиқилган ва шу билан бирга хорижий олимлар тадқиқотлари ва халқаро туризм ташкилоти кўрсатмаларидан фойдаланилган ҳолда туризм индустриясини ўн битта асосий тармоқларга ажратиб чиқилди. Бундай тармоқларга ажратиш орқали туризм индустриясини ўзини эмас, балки унга хизмат кўрсатувчи тармоқларни ҳам киритиш тавсия этилган, бундан кўзланган мақсад туризм объектларига эътиборни кучайтириб, туристик инфратузилмани эсдан чиқармаслик учун битта гурухга киритиш тавсия этилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси: Ўзбекистон туризм. Т.2018 йил. 15-16 б
2. Морозов М.А, Морозова Н.С, Карпова Г.А, Хорева Л.В. “Экономика туризма” учебник. М. 2014 г. 98 с
3. Егоров Н.Н, Морова И.А, Полянская Н.Я. “Перспективы развития туристического рынка Республики Саха (Якутия)” монография. Санкт-Петербург.2014 г.10 с
4. Котлер Ф., Боуэн Д. Маркетинг. Гостеприимство и туризм: учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998. С.85
5. Международные рекомендации по статистике туризма ЮНВТО (МРСТ2008). Статистические документы. Серия М № 83, Мадрид, Нью-Йорк, 2008.
6. Краткий экономический словарь / Под ред. А. Н. Азрилияна. — М. : Институт новой экономики, 2001
7. Frechtling D. (1999) “The tourism satellite account: foundations, progress and issues”, Tourism Management 20 (1999) pp 163—170.
8. Jones C. and M. Munday (2007) Exploring the Environmental Consequences of Tourism: A Satellite Account Approach, Journal of Travel Research 2007; 46; 164.